



ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

Тошкент 2023



Маъруза режаси:

- Зўравонлик тушунчаси ва турлари;
- Гендер зўравонлик шакллари;
- Гендер зўравонликни низодан фарқи (афсоналар, цикл);
- Интим партнер томонидан содир этилган зўравонлик турлари;
- ГЗ сабаблари, оқибатлари



Зўравонлик

- «бу жароҳат етказиш, шафқатсиз муомала қилиш ёки қотиллик содир этиш учун жисмоний кучдан фойдаланиш»*
- Шу билан бирга [Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг](#) (ЖССТ) қуйидаги таърифидан ҳам фойдаланилади:

*“ўзига, ўзга шахсга, шахслар гуруҳига қарши жисмоний кучдан ёки ҳокимиятдан қасддан фойдаланиш ва бунинг натижасида тан жароҳатлари, ўлим, руҳий зарба, ривожланишда орқада қолиш ёки турли шаклдаги зарарлар содир қилиниши (ёки бундай бўлишига юқори эҳтимол мавжудлиги).»***

- * Violence. Merriam-Webster Online Dictionary. Мурожаат санаси 2019 йил 31 январь»
- ** [Mortality and Burden of Disease Estimates for WHO Member States in 2002](#) (xls). World Health Organization. 2013 йил 16 январда [архивация қилинган](#).

13.09.2023

ногиронлиги бор шахсларга хизмат кўрсатувчилар учун



Зўравонлик таснифи

- Зўравонлик содир этувчи субъект характеристикасига биноан қуйидаги категориялар фарқланади:
- Ўз жони ёки саломатлигига қасд қилиш (ўзини ўлдириш, ўзини ўлдиришга ҳаракат қилиш, ўз танасига зарар етказиш)
- Ўзини ўзи ўлдиришигача олиб бориш-бунда жабрланувчи тазйиқ остида ўз жонига қасд қилади
- Шахслараро зўравонлик (бошқа инсон ёки одамлар гуруҳи томонидан зўравонлик)
- Оиладаги маиший зўравонлик ва жинсий шериги устидан зўравонлик
- Жамоадаги зўравонлик (уйдан ташқаридаги)
- Коллектив зўравонлик (давлат, сиёсий гуруҳ, террористик ташкилот)
- * [Всемирная организация здравоохранения. Насилие и его влияние на здоровье. Доклад о ситуации в мире = World report on violence and health.](#) — М: «Весь Мир», 2002. — 376 с. — [ISBN 5-7777-0225-2.](#)

Гендер зўравонлик - таърифи

Гендер зўравонлик – бу “аёл бўлгани учун унга қарши қаратилган ёки хотин-қизларга бир хилда дахл қилмайдиган ҳар қандай зўравонлик ҳаракати”.*

Эркаклар билан тенглик асосида ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланишда хотин-қизлар имкониятларини жиддий чеклайдиган камситиш шакли

*(БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шакларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги 919-сонли умумий тавсия, 1-бет).



Гендер тушунчаси

- **гендер** — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;
- Туғилганимиздан бизларни турли ижтимоий гуруҳларга бириктиришади “эркак” ёки “аёл”, тарбия бериш жараёнида маълум психологик, социал, маданий тушунчаларни ўргатишади
- Гендер асосида “эркак” ва “аёл” гуруҳлари орасидаги ижтимоий муносабатлар қурилмаси ётади



Гендер (давоми)

- **жинс бўйича бевосита камситиш** — жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шаҳвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;
- **жинс бўйича билвосита камситиш** — бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш.

Гендер зўравонлик ҳолларини келтириб чиқарувчи омиллар

- оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит
- ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.
- Бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг 40 фоизи, ҳар тўртта қотилликнинг биттаси, қасддан баданга шикаст етказишларнинг ҳар бештадан биттаси, ҳақорат қилиш ва тухматнинг саккизтадан биттаси айнан оила-турмуш соҳасида содир этилмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: «Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда» деган фикрлари мавзунинг қанчалик долзарб эканлигини яққол кўрсатиб турибди.
- Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Ҳалқ сўзи. –Т., 2017 йил. 16 июнь.



- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида «инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги» эътироф этилган. Бугунги кунда оила-турмуш муносабатлари доирасида аёллар, болалар ва кексаларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Хусусан, ҳар йили аёлларнинг **38 фоизи, 1,5 миллиардгача болалар** оилада турли кўринишдаги зўравонлик ва шафқатсиз муомалага, Европада эса **ҳар беш нафар боладан бири** жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь) / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси // <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

- ^{13.09.2023} <http://www.maailmakool.ee/wp-content/uploads>. ногиронлиги бор шахсларга хизмат кўрсатувчилар учун

Гендер зўравонлик



Гендер зўравонлик турлари

STOP GENDER VIOLENCE



2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги»ги Қонуни

Жисмоний зўравонлик



оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш

Руҳий зўравонлик



хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухма қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, репродуктив соҳада назорат қилиш, ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик)

Жинсий зўравонлик



хотин-қизларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш

Иқтисодий зўравонлик



хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камо топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқарув зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)



НАСИЛИЮ.НЕТ

Гендер зўравонлик турлари

- ***Жинсий зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:***
- эркакнинг аёли билан фақат жинсий объект сингари муомала қилиши;
- жинсий алоқадан бош тортиш ёхуд аёлга мулойимлик қилмаслик;
- жинсий алоқа қилишда мажбурий хатти-ҳаракатлар қилдириш;
- жинсий алоқани ўта шафқатсизлик билан амалга ошириш;
- зўрлаш йўли билан жинсий алоқа қилишга киришиш;
- аввал калтаклаб, кейин жинсий алоқа қилиш;
- порнографик кўринишдаги бузуқ хатти-ҳаракатларни кўришга ёки такрорлашга мажбурлаш;
- доимий равишда ҳаммага рашк қилиш ва кимлар биландир зинокорликда айблаш ва ҳоказо.



Гендер зўравонлик турлари

НАСИЛИОУ.НЕТ

- **Жисмоний зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:**
- шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш;
- зарб билан итариб юбориш;
- турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш;
- қурол билан хавф солиш ёки яралаш;
- уйдан чиқишга жисмонан йўл қўймаслик;
- кечаси ухлашга қўймаслик ва бошқа.

Иқтисодий зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бирламчи эҳтиёжлари (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори) учун асоссиз пул бермаслик;
- уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш;
- таълим олиш ва меҳнат қилишга рухсат бермаслик;
- қанча пул сарфлашини назорат қилиш;
- ўзи топган пулни тасарруф этишга йўл қўймаслик;
- оила бюджетидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ҳ.к. ҳаракат (ҳаракатсизлик)да намоён бўлади.





Гендер зўравонлик турлари

НАСИЛИЮ.НЕТ

• **Руҳий зўравонликка қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик;
- унинг фикрлари устидан кулиш;
- жазо чораси сифатида жабрланувчининг ҳиссиётларига эътибор бермаслик;
- ёлғон сўзлар айтиб, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш;
- унинг дўстлари ва қариндошларига хавф етказаман деб қўрқитиш ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик;

- жабрланувчи билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш;
- қариндош уруғлар орасида шарманда қилиш;
- уйдан кетишини айтиб қўрқитиш;
- касал ёки ҳомиладор бўлганда унга ёрдам беришдан бош тортиш, тиббий ёрдам олишига қаршилик кўрсатиш;
- доимий равишда танқид қилиш, хафа қилиш, ғазабга келтириш, яъни (сен жуда семизсан ёки озғинсан, ахмоқсан, энг бўлмағур онасан, тўшақда бўлмағур шериксан) ва ҳоказо.



Кибер зўравонлик

- Бугунги кунда кенг тарқалган зўравонликнинг яна бир тури – **кибер зўравонлик**. Зўравонликнинг ушбу тури интернет орқали мутассил давом этувчи, такрорий ва узоқ вақт давомида бировнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширишда ифодаланади.
- Руҳий зўравонликдан зўравонлик ўтказаетган шахс анонимлиги, Интернет орқали ёқимсиз хабарлар туну-кун кенг оммага тарқалиши билан фарқланиб, жабрланувчига ғоят катта азоб-уқубат келтириши билан кескин фарқланади. Интернет тармоғидан фойдаланиб, иш ёки ўқиш жойи, оилада турли хил ҳақоратлар, тухмат, таъна, миш-мишлар, уйдирма хабарлар тарқатишда ифодаланади.
- Шунингдек, Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали инсонинг руҳиятига қаттиқ таъсир этувчи, уни изтиробга солувчи бешафқат муносабат ва зўравонлик саҳналарини намоиш этишни ҳам шахсга бўлган зўравонлик, деб эътироф этишимиз мумкин.

**Гендер
зўравонликнинг
ўзига хос
хусусиятлари**



Оилавий можаро (конфликт) ва/ёки жанжалнинг гендер зўравонликдан фарқи

- Гендер зўравонлик – бу маиший жанжал ёки низо эмас.
- [?] Гендер зўравонлик жанжал ёки можародан тажовуз ҳаракатларининг режали ва такрорийлиги билан фарқланади;
- [?] Гендер зўравонлик – бу чексиз айлана, циклнинг такрорланиш тезлиги ортиши билан қайтариладиган болага ва/ёки аёлга босим ўтказиш ҳолатлари: назорат, қўрқитиш, қўрқув ҳиссини сингдириш мақсадида ҳар сафар кучайиб боровчи жисмоний, оғзаки, маънавий ва иқтисодий ҳақоратлар занжири;
- [?] Гендер зўравонлик – бу оилавий можаролар эмас, бу -жиноят;
- [?] Гендер зўравонлик асосида ҳукмронлик ва назорат, бир шахснинг иккинчи шахс устидан тўлиқ ҳукмронлик ва устунлик туради.

Оилавий можаро (конфликт) ва ёки жанжалнинг гендер зўравонликдан фарқи

- Можаро ҳам, жанжал ҳам бир-бири билан бирор нарсада келиша олмаётган ва ўз фикрини ҳимоя қилаётган эр-хотинлар мавқеининг ўзаро тенглигини кўзда тутди. Гендер зўравонлик вазиятида эса ҳеч қандай тенглик йўқ. Бир инсон жисмоний куч, иқтисодий имкониятлар, ижтимоий мавқе ва бошқалар ёрдамида бошқа инсонни назорат қилишга интилади. Бундан ташқари, Гендер зўравонлик жанжал ёки можародан тажовузлар ҳаракатининг режалилиги ва такрорийлиги билан фарқланади.
- Агар оиладаги можаро у ёки бу даражада тасодифий бўлса (ҳатто агар у кўпинча битта сабабга кўра юзага келса ҳам), Гендер зўравонлик ҳар сафар кучайиб борувчи қурбонни эзишга қаратилган ҳаракатлар занжири, чексиз айланадир.
- Гендер зўравонлик – бу оилавий можаро эмас, бу – жиноят, бу жиноятда уни амалга оширган киши айбдор. Ҳеч ким ўзига нисбатан зўравонлик қилинишига лойиқ бўлмайди.




Гендер зўравонликнинг ўзига хос хусусиятлари

- Зўравон шахс жабрланувчини тўлиқ назорат эта олади, жабрланувчи зўравондан қочиши ва хавфсиз қолишининг имкони йўқ;
- Зўравонлик бир шахснинг бошқа шахсга нисбатан устунлик қилиш ва уни назорат қилиш мақсадида содир этилади;
- Деярли барча оила аъзолари зўравонликдан жабр чекадилар;
- Зўравон шахс ва жабрланувчи ўртасида эмоционал боғлиқлик мавжуд. Жабрланувчи зўравонга нисбатан кучли эмоционал қарамликни ҳис этиши ва учинчи шахс ёрдам бермоқчи бўлганида зўравоннинг ёнини олиши мумкин. Жабрланувчининг бундай хулқ-атвори психологияда Стокгольм синдроми номи билан машҳур;
- Жамият аъзолари оила ишига аралашишни хоҳламайдилар ва жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам оиладаги вазият ҳақида сукут сақлашни афзал биладилар;

Оилада содир этилган зўравонлик даврий характерга эгадир.

Доктор **Ленор Уолкер** назариясига кўра, оилавий зўравонлик тўрт босқичдан иборат бўлган такрорланиши ортиб борадиган ҳаракатлар циклидан иборат.



Гендер зўравонликдаги даврийлик

- 1. **Оилада кескинликнинг ошиши.** Оила аъзолари ўртасида муносабатлар ўзгариб, норозилик ошади. Жабрланувчи зўравонни тинчлантиришга ҳаракат қилади.
- 2. **Зўравонлик содир этилиши.** Руҳий, жисмоний ёки бошқа турдаги зўравонлик авж олиб, қаттиқ ғазаб, таҳдид, қўрқитиш билан биргаликда амалга оширилади.
- 3. **Ярашиш даври.** Зўравон узр сўраб, зўравонлик содир этганлигини тушунтиради, айбни жабрланувчининг ўзига юклайди. Баъзан содир этилган зўравонликни инкор этиб, жабрланувчини ўзи бўрттириб юборганликда айблайди.
- 4. **Муносабатлардаги тинчлик даври** (“асал ойи”). Зўравонлик вазияти унутилиб, зўравон кечирилган. Низодан аввалги муносабатлар қайтади, кейинги низолар бошлангунга қадар, “асал ойи” бошланади.

Гендер зўравонликдан жабрланган шахслар

- **Зўравонликдан жабрланган шахслар** хулқ-атворининг таҳлили натижасида унинг қуйидаги хусусиятларга эга эканлиги аниқланди:
- жабрланувчига одамовилик, камгаплик хос бўлиб, оила аъзолари ва яқинлари билан мулоқот қилишни истамайди;
- ўзига паст баҳо бериш, шаъни, қадр-қиммати камситилганлиги юзасидан чуқур изтиробга берилган;
- қўрқув ва хавотирдалиги сабабли ноиложсизлик ҳиссиётларини намоён этади;
- ўзининг ташқи кўриниши, табиий эҳтиёжларига бепарво бўлиб, тез-тез ўз жонига қасд қилиш тўғрисида фикрлайди ёки ўз ҳаётига суиқасд қилишга ҳаракат қилади;
- овқат емаслиги ёки ҳаддан зиёд истеъмол қилиши, спиртли ичимликлар, гиёҳванд /заҳарванд моддалар истеъмол қилишни хоҳлайди;
- мулоқот пайтида кўзларини олиб қочади, кўз ёш тўкади, одамларга ишончсизлик билан муносабатда бўлади;
- ўз фарзандларига нисбатан лоқайд ёки тажовузкор муносабатда бўлади.

Оилавий-маиший зўрликдан жабр кўрган аёл хулқ-атворининг тавсифи


- [?] Ўз-ўзини паст баҳолайди.
- [?] Куч ишлатишга, руҳий босимга асосланган зўравонлик муносабатлари тўғрисидаги барча ақидаларга ишонади.
- [?] Оила, эркак ва аёлнинг оилада ҳамда жамиятдаги роли ҳақида нотўғри тасаввурга эга.
- [?] Зулмкорнинг ҳаракатларини оқлайди.
- [?] Айбдорлик ҳиссидан азият чекади ва зўравонга нисбатан ғазаб ҳиссини инкор қилади.
- [?] Руҳий зўриқиш (стресс)га ва психофизиологик шикоятлардан қаттиқ таъсирланади.
- [?] Барча муносабатларни жинсий яқинлик мувозанатлаштиришига ишонади.
- [?] Оиладаги таҳқирли, камситувчи муносабат муаммосини ҳал этишда унга ҳеч ким ёрдам бера олмайди, деб ўйлайди

Гендер зўравонлик содир этган шахс

- Зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атвориға хос психологик хусусиятлар:
- зўравоннинг тажовузкор хулқи дарҳол юзага келиб, ўз талабларини бажаришларини хоҳлайди;
- ўз жаҳлини бошқара олмайди, психологик зўриқиш пайтида ўзини назорат қилмайди;
- хавотирлик ва асабийлик ҳолатини бошқара олмаслиги, тажовузкор хулқ-атвориниға сабабчи бўлади;
- ўз айбини тан олмасдан, бошқаларға юклайди ва ўзини “жабрланувчи” деб эътироф этади. Содир этган қилмишининг оқибатларини англамайди;
- ҳар қандай танқидни кўтара олмайди ва ўзи содир этган қилмишни ҳуқуқбузарлик эканлигини тан олмайди. Узини оқлашға ҳаракат қилади;
- мулоқот давомида ҳеч кимға меҳр-шафқат кўрсатмайди ва мулоқотдан ўзини олиб қочади;
- спиртли ичимликлар/гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиши, унинг тажовузкорлигини янада оширади;
- бегоналар олдида ўзини яхши томондан кўрсатиб беришға ҳаракат қилади.

Тажовузкор ва Зулмкор хулқ-атворининг тавсифи

- [?] Ўз-ўзини паст баҳолайди.
- [?] Куч ишлатишга, руҳий босимга асосланган зўравонлик муносабатлари тўғрисидаги барча ақидаларга ишонади.
- [?] Оила, эркак ва аёлнинг оилада ҳамда жамиятдаги роли ҳақида нотўғри тасаввурга эга.
- [?] Ўзи содир қилган ишларда бошқаларни айблайди.
- [?] Патологик рашкчи.
- [?] Икки юзламачи шахс. У ўзини ишдаги бошлиғи ёки ҳамкасблари билан қўполлик қилиб, тажовузкорлигини намоён қилмайди.
- [?] Ўз-ўзини баҳолашни кўтариш мақсадида жинсий муносабатларда тажовузкор бўлади.
- [?] Унинг тажовузкор хулқ-атвори жиддий асоратларга олиб келиши мумкинлигини ўзи ҳам тушунмайди.





ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ



Маъруза режаси:

- Гендер зўравонлик ва уни келиб чиқиш сабаблари;
- Гендер зўравонлик оқибатлари
- Гендер зўравонликни саломатлик учун салбий таъсири
- Гендер зўравонликни олдини олиш



Гендер зўравонлик ва уни келиб чиқиш сабаблари

Жаҳон статистикаси гендер зўравонликдан кўпроқ аёллар азият чекишини кўрсатмоқда. Нима учун айнан аёлларга нисбатан оилавий-маиший зўрлик ҳолатлари кўпроқ учрайди?

- *Биринчидан, аёлларнинг нисбатан қуйи маъқени эгаллаши.* Дунёдаги кўп халқлар маданияти аёлни эркакка нисбатан қуйи поғонага қўяди. Эркак кучли, устун ва жахлига эрк бериши мумкин, аёл эса пассив, тобе, итоаткор бўлиши керак деб ҳисобланади. Кўпчилик эркаклар доим ҳаётда устун бўлишлари керак деб ишонадилар.
- Кўпчилик халқлар маданияти эркакка ўз сўзида туриш учун жисмоний куч ва психологик тазйиқдан фойдаланиш ёки қайсар турмуш ўртоғига жинсий муносабатларда мажбурлаш имконини беради.



Зўравонлик келиб чиқиш сабаблари

- Эр - оила бошлиғи ва барча асосий қарорларни қабул қиладиган, **ХОТИН эса фақат уй-рўзғор билан шуғулланадиган**, турмуш ўртоқларининг иқтисодий аҳволи тенг бўлмаган оилаларда гендер зўравонлик кўпроқ содир бўлиши табиий ҳолдир. Шунинг учун кўпчилик аёллар зулмкор эрларини ташлаб кетишга қарор қилсалар, мустақил ҳаёт кечира олишларидан ташвишланадилар.



Иккинчидан, тажовуз ёки калтаклаш орқали можарони ҳал этиш усули сифатида тарғиб қилиниши. Афсуски,

замонавий жамиятда куч ишлатиш оилавий муаммоларни ҳал этишнинг асосий усули қилиб кўрсатилади.

Масалан, болалар учун мўлжалланган телекўрсатувлар/мультфильмларда можароли вазиятни ҳал этиш учун қаҳрамон биринчи навбатда жисмоний кучидан фойдаланади, кейинги кадрларда қурбон сеҳрли тарзда тикланади ва томошабин бунинг ҳеч қандай салбий оқибатларини кўрмайди. Бундай ҳолатга тақлид қилаётган бола оқибатлари учун масъулиятни мутлақо бўйнига олмайдиган бўлиб қолади.

Гендер зўравонлик – келиб чиқиш сабаблари



Учинчидан, гендер зўравонликнинг сабаб илдизлари **инсон тарбия кўрган оилада ётади.**

- Куч, руҳий босим ишлатиб камситишдан фойдаланиш аввалги ҳаёт тажрибасининг натижасидир. Хотинини калтаклайдиган эркакларнинг кўпчилиги болалигида калтакланганлар. Камситувчи муносабатлардан азият чекувчилар кўпинча оилада куч ишлатилиши гувоҳи бўлганлар ёки болалиқда кўп жисмоний ва маънавий тазйиққа дучор бўлганлар.

13.09.2023

ногиронлиги бор шахсларга хизмат кўрсатувчилар учун

Гендер зўравонлик келиб чиқиш сабаблари




- Оилада доимий шафқатсизлик, гендер зўравонлик ва босим муҳитида яшайдиган болаларнинг ҳам аёлларнинг ҳам **ўз-ўзига баҳоси паст** бўлади. Зўрлик қурбони уни ҳафа қиладиган оила аъзосининг ҳар бир ҳаракатида **ўзини айбдор деб билади**. Бундай, аёл бўлсин ёки бола бўлсин, вақт ўтиши билан ҳаётига, атрофдагиларга, айниқса она фарзандларига нисбатан бефарқ бўла бошлайди, аёл доимий бош оғриғи, бел оғриғидан азият чекадилар.

Гендер зўравонликнинг салбий таъсирлари



- Кўпинча гендер зўравонликка дучор бўладиган аёлларнинг **саломатлик**лари билан боғлиқ муаммолар туғилади.
- руҳий тушкунлик ва руҳий фаолиятнинг бошқа бузилишлари
- Психо-соматик бузилишлар (ички аъзолар касалликлари)
- Бу руҳий асоратлар аёлларга салбий таъсир кўрсатади: иродасини букади, қўрқув, изтироб, тушкунлик ва баъзан ўзини-ўзи ўлдиришга олиб келади.

ГЗ оқибатлари




- Сурункали руҳий босим ва калтаклаш билан тугайдиган катта жанжал вазиятида қурбонлар **жароҳатловчи зўриқиш (стресс)**ни бошларидан кечирадилар. Улар кўпинча ўзларини ҳимоя қила олмайдилар, жуда кўнгилчан бўлиб қоладилар, турли шилқимликлар қурбонига айланадилар. Улар тушкунлик, ваҳима, ароқхўрлик, гиёҳвандлик, шахслараро муносабатларда қийинчилик каби белгиларга эга бўлганлари учун психиатр мижозига айланадилар.

ГЗ нинг руҳиятга таъсири



- овқатланиш тартибининг (хулқининг) анорексия (иштаҳанинг йўқлиги) ва булимия (очкўзлик) каби бузилишлари кўпинча болаликдаги психологик жароҳатлар билан боғлиқ.
- Агар шафқатсиз муносабат, камситиш болаликда содир бўлса, бу характернинг шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин.
- Психолог билан суҳбатлашганда бундай аёллар паст овозда сўзлайдилар, нигоҳларини четга олиб қочадилар ёки стулда қимирлаб, илон каби тўлғаниб, қўлларини қисирлатиб ўтирадилар. Бундай хулқ-атвор унинг механизми аниқлангандагина тушунарли бўлади.
- Жароҳатдан кейинги руҳий зўриқиш механизми инсоннинг танаси ва руҳияти бартараф этиб бўлмайдиган ички тарангликка мослашиш йўлини топишидан иборат.
- Руҳий бузилиш каби намоён бўлувчи жароҳатдан кейинги зўриқиш белгилари аслида ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ўрнашиб қолган хулқ-атвор услубидир.

ГЗ ни руҳиятга таъсири



ГЗ ни англаб етиш

- Ўзаро муносабатлар янги, муҳаббатга тўла ярашиш даврида аёллар камситишларнинг келажакда олдини олишга ва ўзаро муносабатларни яхшилашга қаратилган икки баравар кучлироқ ҳаракат билан жавоб берадилар. Аёллар эрларини тинчлантириш мақсадида моҳияти ва топқирлиги билан ажралиб турувчи усулларни қўллайдилар. Вақт ўтиши билан муаммони ҳал этиш учун уринишларининг фойдасиз экани аён бўлади ва аёл ўзаро муносабатларининг узоқ муддатли эканлигига **шубҳа** билан қарай бошлайди.
- Кейинги даврда, чидаш, аёл ўзаро муносабатларидаги ижобий жиҳатларни назарда тутиб, шунингдек, мавжуд ҳолат учун қисман ўзини ҳам жавобгар ҳисоблагани учун камситишларга чидайди. Аёл ташқи дунёдан ёрдам топишга ҳаракат қилиши мумкин бўлса ҳам **ўз хавфсизлигидан хавотирланиб**, шунингдек, эрининг ижтимоий мавқеига зарар етказишдан қўрқиб, **муаммонинг барча тафсилотларини ошкор қилмайди**.
- Узилиш даврида аёл ўз аҳволининг руҳий босим ва камситишларга боғлиқлигини тан олади ва бундай муносабат **ноҳақлик эканлигини англайди**.



ГЗ нинг оилавий ҳаётга таъсири

- Аёл ўзи учун хавфнинг мавжудлигини, шунингдек, зулмкор унга қаттиқ жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказишини англаганда кескин бурилиш содир бўлади. Аёл алоҳида яшаш ва ўз хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилаётган даврда камситишга асосланган муносабатлар шароитидан бир неча марта кетиши ва яна қайтиши мумкин. Бу муносабатлардан воз кечиш, қадриятларни қайта баҳолаш учун зарур вақт ўтгач, аёл тикланиш (**реабилитация**) даврига ўтиши мумкин. Бу даврда у зулмкордан алоҳида яшаши тавсия этилади.
- Аёл тақдири билан шуғулланаётган соғлиқни сақлаш, ички ишлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мутахассислар учун **асосий нуқта аёл назарида зўравонлик ўзаро муносабатларнинг бир қирраси эканини тушунишдан** иборат. Аёл руҳий босим ва камситишлар тугатилишини истайди, лекин у ўзаро муносабатларнинг ижобий томонларини сақлаб қолишни ҳам хоҳлайди. Бу икки жиҳат кўпинча бир-бирига мувофиқ келмайди, аммо аёл бунини тушуниб етиши учун маълум муддат керак бўлади.






ГЗ нинг саломатликка таъсири

- Жисмоний ва жинсий камситиш аёллар саломатлигига жиддий зарар келтиради. Оилавий-маиший зўрлик туфайли олинган жароҳатлар ўткинчи – кўкариш, кесилиш, суюклар синиши, бош миянинг чайқалиши, ва даволанмайдиган – эшитиш ёки кўриш қобилиятининг қисман йўқолиши, чандиқ ёки куйишлар, пичоқланиш ва ҳаттоки ўлим каби асоратлар бўлиши мумкин.
- Калтакланадиган аёлларда сурункали бош оғриғи, қоринда ва мушаклардаги оғриқлар, жинсий аъзоларида қайталанувчи инфекциялар, шунингдек, уйқу ва иштаҳанинг бузилиши кўп учрайди. Тадқиқотлар оилавий-маиший зўрлик артрит, гипертония (хафақонлик) ва юрак-қон томир касалликларига олиб келишини кўрсатди.
- Таҳқирланган ёки калтакланган аёллар зўравонлик қурбони бўлмаган аёлларга нисбатан икки марта кўпроқ касал бўладилар. Жаҳон банкининг сўнгги ҳисоботи ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда оилада азият чеккан аёллар даволаниши учун соғлиқни сақлаш ресурсларининг катта қисми сарфланаётганлигини маълум қилди.



ГЗ қуйидаги оқибатларга олиб келади

- исталмаган ҳомиладорлик, сунъий аборт, гинекологик муаммолар ва жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар, шу жумладан ОИВ.
- 2013 йилдаги таҳлилий тадқиқотлар натижаларига кўра, жинсий ёки жисмоний зўравонликни бошидан кечирган хотин-қизларда жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларнинг (айрим ҳудудларда ОИВ нинг ҳам) тарқалганлиги кўрсаткичи жинсий жуфтидан жисмоний зўравонлик кўрмаган бошқа хотин-қизларга нисбатан 1,5 маротаба кўпроқ.
- Бу аёллар икки баравар кўпроқ абортни амалга оширади.
- Ҳомиладорлик пайтида жинсий жуфти томонидан зўравонлик содир этилиши боланинг тушиб қолиши, ўлик туғилиши, вақтидан олдин туғилиши ва боланинг кам вазнли бўлиб туғилиши хавфини оширади. 2013 йилдаги тадқиқот натижаларига кўра, жинсий жуфтнинг зўравонлигига учраган аёлларда бола тушиб қолиши хавфи 16% га, муддатидан олдин туғиш хавфи – 41 % га ошган.




- Зўравонликнинг ушбу шакллари тушкунликка, жароҳатдан кейинги стресс бузилишларига ва бошқа ташвишли бузилишларга, уйқу билан боғлиқ муаммоларга, овқатланишдаги муаммоларга ва ўз жонига қасд қилишга уринишга олиб келиши мумкин.



ГЗ қуйидаги оқибатларга олиб келади

- 2013 йилдаги таҳлилий тадқиқотлар натижаларига кўра аниқланишича, зўравонликни бошидан кечирган хотин қизларда тушкунлик ва алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш билан боғлиқ муаммолар жинсий жуфтидан жисмоний зўравонлик кўрмаган бошқа хотин-қизларга нисбатан 1,5 мартаба кўпроқ учрайди.




13.09.2023

ногиронлиги бор шахсларга хизмат кўрсатувчилар учун

Саломатликдаги бошқа оқибатлар:

- Бош оғриғи, белдаги оғриқ, қорин соҳасидаги оғриқ, турли жарохат ва суюк синишлари
- Ошқозон-ичак бузилишлари ва касалликлари (ошқозон яраси ва 12 бармоқлик ичак касалликлари, таъсирланган ичак синдроми),
- Кам ҳаракатчанлик
- Депрессия
- Неврозлар
- Қандли диабет
- Гипертоник касаллик
- Репродуктив аъзолар функциясининг бузилиши
- Саломатликнинг умумий аҳволи ёмонлашиши



ГЗ нинг саломатликка таъсири



- Айниқса болаликда бошдан кечирилган жинсий зўравонлик чекиш, гиёҳванд моддалар ва алкогольли ичимликларни истеъмол қилиш, каттароқ ёшда эса таваккалчилик даражаси юқори бўлган жинсий хатти-ҳаракатларга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек бу зўравонлик содир этиш (эркаклар учун) ва қурбон сифатида зўравонликка учрашга мойилликни (хотин-қизлар учун) келтириб чиқариши мумкин.



ГЗ нинг узоқ муддатли оқибатлари



- Зўравонликка йўл қўйиладиган оилаларда катта бўладиган фарзандлар бир қатор хатти-ҳаракат ва эмоционал бузилишлардан азият чекиши, ва бу келажакда зўравонлик содир этиш ёки шунга мойилликка сабаб бўлиши мумкин.
- Жинсий жуфти томонидан содир этилган зўравонлик чақалоқлар ва илк ёшдаги болалар ўлими ва касалланиши даражаси юқори бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин (масалан, ич кетиши ва тўлақонли овқатланмаслик туфайли).

ГЗ нинг болаларга таъсири



ногиронлиги бор шахсларга хизмат кўрсатувчилар учун



Ижтимоий ва иқтисодий зарарлар

- Жинсий шерги томонидан зўравонлик ва жинсий зўравонлик оқибаотида жиддий ижтимоий ва иқтисодий зарарлар юзага келади, ва бу жамият учун бир қатор олис оқибатларга олиб келади.
- Хотин-қизлар яккаланиб қолиши, ишлай олмаслиги, иш ҳақини йўқотиши, одатдаги фаолиятда иштирок этмаслиги ҳамда ўзи ва фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш имкониятининг чекланганлигидан азият чекиши мумкин.



13.09.2023


ногиронлиги бор шахсларга хизмат кўрсатувчилар учун



- Даромад даражаси юқори бўлган мамлакатлардан олинган айрим маълумотлага кўра, бундай зўравонликни камайтиришнинг самарали воситаларига жинсий шеригидан зўравонликка учраган жабрланувчилар учун хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган **ахборот-тушунтириш тадбирлари ва маслаҳатлар** киради.
- Малакали ўрта бўғин тиббиёт ходимларининг профессионал иштирокини кўзда тутувчи **уйларга бориш дастурлари** ҳам жинсий шерик томонидан содир қилинадиган зўравонлик кўламларини қисқартириш имкониятларини намойиш этади.
- Самарадорлигини кўрсатган огоҳлантириш стратегиялари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: микромолиялаш ва кўникмаларга ўргатишни қўшиб олиб бориш орқали **хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш**, бу эса гендер тенгликни таъминлашга ёрдам беради;




Олдини олиш ва жавоб чоралари



- Оилавий жуфтликларда ва жамоалар даражасида **коммуникацион ва шахслараро кўникмаларни такомиллаштириш** стратегиялари;
- Алкоголли ичимликларни истеъмом қилиниши имкониятини ва зарарли ичишни камайтириш стратегиялари;
- Тенг бўлмаган гендер ва ҳукмронлик муносабатларини танқидий кўздан кечириш мақсадида хотин-қизлар ва эркаклар иштирокида маҳаллий жамоалар ҳаракатини ва гуруҳли маърифий ишларни сафарбар қилиш ҳисобидан ҳалокатли гендер ва ижтимоий меъёрларни ўзгартириш стратегиялари.

Олдини олиш ва жавоб чоралари (давоми)



Зўравонликнинг олини олиш ва тўхтатиш

- Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олини олиш ва тўхтатиш кўп секторли ёндашувни тақозо этаса-да, бунда соғлиқни сақлаш сектори муҳим роль ўйнайди.



- Ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ва бунда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка йўл қўйиб бўлмаслиги ҳамда бундай зўравонликка жамоат соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммо сифатида қарши курашиш керак эканлигини уқтириш.
- **Комплекс хизматлар кўрсатиш**, тиббий-санитария хизматларини кўрсатувчиларини зўравонликни бошидан кечирган шахслар эҳтиёжларидан хабардор қилиш ва тезкор ёрдамлашишга ўргатиш.
- **Зўравонликка дуч келган аёллар ва болаларни барвақт аниқлаш** ҳисобидан зўравонлик такрорланишининг олдини олиш, уларни тегишли хизматларга юбориш ва зарур ёрдамни кўрсатиш.

Соғлиқни
сақлаш
сектори
қуйидагиларни
амалга
ошириши
мумкин:



- Ёшлар учун жинсий маърифий комплекс дастурлар, муҳим кўникмалар ва малакаларга ўргатиш доирасида тенг ҳуқуқлилика асосланган гендер меъёрларини тарғиб қилиш.
- Аҳоли ўртасида сўров ўтказиш ёки хотин-қизларга нисбатан зўравонлик мавзусини умумий демографик ва тиббий-санитария текширувларига, эпидемиологик назорат ва тиббий-санитария маълумотлари тизимига киритиш орқали самарали иш усуллари, ва муаммонинг кўлами тўғрисида фактик маълумотларни тўплаб бориш.

Соғлиқни сақлаш
сектори
қуйидагиларни
амалга ошириш
мумкин:



Оилавий муносабатлардаги зўравонлик муаммосига гендер ёндашув профилактика чораларини ҳам назарда тутати.

Давлатимизда оиладаги **барча зўравонлик шакллари жиноят деб ҳисобланади** ва жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш тизими таъминланган.

Зўравонликнинг “кўзга кўринмаслик” каби хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, ОАВ ёрдамида зўравонликка эътибор қаратиш ҳамда ўзгариб бораётган дунёда анъанавий гендер меъёрлари бўйича жамоатчилик нуқтаи назари тизимини ўзгартириш бўйича ишларни олиб бориш зарур.

Фаолиятида ГЗ муаммоларига дуч келадиган мутахассисларни тайёрлаш стандартларига оилавий муносабатларнинг гендер жиҳатини ҳисобга олувчи дастурлар киритилиши керак.

Зўравонликнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича таълим фаолиятида ўсмирлар ва ёшлар билан уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида уларнинг гендер билимларини ва жуфтлик мунсабатларини шакллантириш кўникмаларини ривожлантириш устувор ўрин эгаллаши керак.

Хулоса



Аёлларга ва болаларга нисбатан куч ишлатишга асосланган носоғлом муносабат жаҳондаги барча мамлакатларда, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётидан қатъи назар, хос нарса ҳисобланади. Бундай муносабат натижасида жуда катта иқтисодий зарар кўрилади, болаларнинг келажакка ишончи сўнади, таълим олиши даражаси пасаяди, аёлларнинг иш жойида меҳнат унумдорлиги камаяди, оиланинг маънавий-ахлоқий жиҳатига, ривожланишига тиклаб бўлмас даражада зарар етади. Аёллар ва болаларга нисбатан таҳқирли, қўпол муносабат инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишига олиб келиб, уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига зарар етказилади. Шунинг учун тиббиёт, ҳуқуқ тартибот, ижтимоий, психологик хизмат ходимлари зўравонликнинг барча турларига нисбатан қарши туришимиз керак

Хулоса





ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

